**"Утверждаю"**
Начальник управления Национальной гвардии
по Навоийской области

____Тоиров Б.М.

"___" сентябрь 2022 год

**Техническое задание**
**на закупку товаров, работ, услуг путём отбора наилучшего предложения на ___ сентябрь 2022 год**

| | |
|---|---|
| Валюта закупки | **"Сум"**, Республика Узбекистан |
| План графика закупки | (2022 год III квартал) |
| Категория товара | Продукты питания |
| Наименование товара, работ, услуг | **Морков (Сабзи)** |
| Количество поставляемого товар, объём работ, услуг | 1 950 |
| Единица измерения | кг |
| Стартовая цена | 3 000 |
| Стартовая стоимость | 5 850 000 |
| Подробное описание товара, работ, услуг | Сабзи эзилиб кетмаган, куруб кетмаган, чиримаган булиши керак |
| Наименование товара, работ, услуг | **Соль (Ош тузи)** |
| Количество поставляемого товар, объём работ, услуг | 40 |
| Единица измерения | кг |
| Стартовая цена | 1 500 |
| Стартовая стоимость | 60 000 |
| Подробное описание товара, работ, услуг | Ош тузи (Соль) майда чуда аралашмаларсиз бўлиши керак |
| Наименование товара, работ, услуг | **Клевер (Беда пичани)** |
| Количество поставляемого товар, объём работ, услуг | 9 000 |
| Единица измерения | кг |
| Стартовая цена | 3 500 |
| Стартовая стоимость | 31 500 000 |
| Подробное описание товара, работ, услуг | Клевер должен быть второго сбора, пресованный |
| Наименование товара, работ, услуг | **Солома(сено) (Табиий пичан)** |
| Количество поставляемого товар, объём работ, услуг | 4 000 |
| Единица измерения | кг |
| Стартовая цена | 3 000 |
| Стартовая стоимость | 12 000 000 |
| Подробное описание товара, работ, услуг | Табиий пичан ахлат аралашмаган озиклантиришга ярокли бўлиши керак |
| Наименование товара, работ, услуг | **Комбикорм с примиксом (Озукавий примикс)** |
| Количество поставляемого товар, объём работ, услуг | 120 |
| Единица измерения | кг |
| Стартовая цена | 15 000 |
| Стартовая стоимость | 1 800 000 |
| Подробное описание товара, работ, услуг | Озукавий примикс тош ва майда чуда аралашмаларсиз бўлиши керак |
| Месяц и год проведения торгов | сентябрь 2022 год |
| Источник финансирования | бюджет |
| Имя и должность ответственного лица заказчика (исполнителя договора), адрес и контактные данные (телефон, e-mail) | Начальник продолственной-вещевой службы Хожиев Хушнуд Йулдош угли. Навоийская область, Карманинкий район, Аргун МФЙ, улица Ислам Каримов. +998998777457. |
| Место поставки товара (выполнения работы, оказания услуг) | Навоийская область, Карманинкий район, Аргун МФЙ, улица Ислам Каримов. |
| Срок поставки товара (выполнения работы, оказания услуг) | 5 (пять) дней |
| Форма оформления предложения | Коммерческое предложение |

| | |
|---|---|
| Место предоставления оферт | Навоийская область, Карманинкий район, Аргун МФЙ, улица Ислам Каримов. |
| Место проведения отбора (телефон) | Навоийская область, Карманинкий район, Аргун МФЙ, улица Ислам Каримов.(+99879/221-27-27) |
| Последний день и время предоставления оферт | 01 октябрь 2022 года |
| Файлы для загрузки | Запрос предложений, проект контракта |

**Начальник продовольственой-вещевой службы** **Х.Й. Хожиев**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Навоий вилоят бўйича Миллий гвардия бошқармаси бошлиғи

_______________ Б. Гоиров

"____" ________ 2022 йил

# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

**Навоий -2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

## II. Техник қисм

## III. Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Ташкилотга отлар учун озуқа маҳсулотларини етказиб бериш.

Танловнинг юкори қиймати – 51 210 000.0 **(эллик бир миллион икки юз ўн минг)** сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– шартнома шартига кўра олдиндан 30% пул маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Навоий вилоят бўйича Миллий гвардия бошқармаси** (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Навоий вилояти, Кармана тумани, Арғун МФЙ, И.Каримов кўча 131.

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий вилоят бўйича Миллий гвардия бошқармаси** "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:-

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тузувчи Х.Хожиев

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № ___

«__»__________2022 йил

Биз шартнома тузувчилар ______________________ (кейинчалик «**СОТУВЧИ**» деб номланади), Низомига асосан рахбари ______________________ бир томондан ва Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилояти буйича бошкармаси бошлиги Б.Тоиров (кейинчалик «**ХАРИДОР**» деб номланади) иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздилар.

## 1.Шартнома предмети ва суммаси:

**1.1** «СОТУВЧИ», ўзининг (омбордаги мавжуд бўлган, ишлаб чиқарган) қуйида кўрсатилган махсулотларни сотади, «ХАРИДОР» эса махсулотларни пул ўтказиш йули билан сотиб олади.

**1.2** Етказиб берилган махсулотларнинг бахоси иккала тараф томонидан эркин келишилган нархда бўлади, бироқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг энг юқори нархлар тўғрисидаги тавсиявий маълумотидан белгиланган нархлардан ошмаслиги шарт (алохида холлар бундан мустасно).

**1.3** «СОТУВЧИ» томонидан «ХАРИДОРГА» махсулот шартномада кўрсатилган муддатда сифати ва миқдори бўйича тўлиқ етказиб берилгандан сўнг, далолатнома ва хисоб варақ фактуралар орқали тўла хужжатлаштирилади ва махсулот етказиб бериш бажарилган деб хисобланади.

**1.4** «СОТУВЧИ» «ХАРИДОР» га қуйидаги махсулотларни етказиб беради.

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | ККС | Жами сўммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сабзи | кг | 1 950 | | | |
| 2 | Ош тузи | кг | 40 | | | |
| 3 | Беда пичани | кг | 9 000 | | | |
| 4 | Табиий пичан | кг | 4 000 | | | |
| 5 | Озукавий примекс | кг | 120 | | | |
| Жами: 4 (тўрт) номланиш | | | | | | |

**1.5** Шартноманинг умумий сўммаси __________ (__________________________) сўмни ташкил этади.

## 2. Махсулот сифати

**2.1** «СОТУВЧИ» томонидан сотилаётган махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти ва сифати гувохномасида қайд этилган таъаблрига жавоб беришини тасдиқловчи гувохномалари бўлиши шарт.

**2.2** Махсулотнинг сифати ва миқдори учун «СОТУВЧИ» тўлиқ жавоб беради.

**2.3** «ХАРИДОР»нинг "Озиқ-овқат ва Товар-моддий бойликларини қабул қилиш комиссияси" ва «СОТУВЧИ»нинг мутахассис ходими иштирокида ушбу шартнома келишилган махсулотлар сифати, миқдори ва хажми бўйича тўлиқ қабул қилиб олиниб, бу хақида тегишли далолатнома тузилгандан сўнг, махсулотга тўлиқ эгалик қилиш хуқуки «ХАРИДОР» зиммасига ўтади.

## 3. Хисоб китоб қилиш тартиби

**3.1** Тўлов харидор томонидан пул ўтказиш йўли орқали белгиланган тартибда амалга оширилади.

**3.2** «ХАРИДОР» томонидан ушбу шартнома келишилган махсулот учун олдиндан 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, «СОТУВЧИ» 5(беш) банк куни муддатидан кечиктирмай шартномада кўрсатилган махсулотни тўлиқ етказиб беради.

**3.3** Сотиб олинган махсулотлар тўлиқ олиб келингандан сўнг, «ХАРИДОР» қабул қилиб олинган махсулот учун қолган 70% миқдордаги тўловни хисоб-фактуралар тақдим этилганидан сунг 10 (ўн) банк куни муддати ичида пул ўтказиш йўли билан туловни амалга оширади.

## 4. «ХАРИДОР» нинг мажбуриятлари.

**4.1** «ХАРИДОР» махсулотни ўз транспортида олиб келган тақдирда сарф қилинган юл харажатлари хисоб китоб қилиш даврида ушбу шартноманинг умумий суммасидан чегириб ташланади.

**4.2** «ХАРИДОР» шартноманинг 3.2 бандида кўрсатилган тўловни амалга оширгандан сўнг, «СОТУВЧИ» 3 (уч) календар кун муддат ичида ушбу шартномада келишилган махсулотни сифати ва сони бўйича тўлик етказиб бермаган тақдирда «ХАРИДОР» ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ёки махсулотни қабул қилишни рад этишга хақли.

## 5. «СОТУВЧИ» нинг мажбуриятлари.

**5.1** «СОТУВЧИ» махсулотни шартномада кўрсатилган нарх ва муддат ичида «ХАРИДОР» га ўз транспортида, сифатли ва миқдори бўйича тўлиқ етказиб беради. Махсулотни жунатиш, ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар «СОТУВЧИ» нинг зиммасида бўлади.

**5.2** Шартномада кўрсатилган махсулотлар сифатсиз ёки миқдори тўлиқ бўлмаган тақдирда «СОТУВЧИ» махсулотни сифатлисига алмаштириб бериш, миқдорини тўғри қилиб бериш ёки етказилган зарарни қоплаш ва «ХАРИДОР»га харажатларни қайтариб беришга мажбур.

**5.3** «СОТУВЧИ» махсулотни етказиб беришдан олдин, етказиб берилиши назарда тутилган махсулотларни намуна сифатида асл нусхасидан тақдим этиш лозим.

## 6.Томонларнинг жавобгарлиги.

**6.1** Махсулотларнинг етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган ёки етказиб берилмаган холларда «СОТУВЧИ» «ХАРИДОР» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмнинг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий сўммаси етказиб берилмаган махсулот пулининг 50% ошиб кетмаслиги керак.

**6.2** Етказиб берилган махсулотни хаққини ўз вақтида тўланмаганлиги учун «ХАРИДОР»«СОТУВЧИ» га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4% миқдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

**6.3** Жарима тўлашлар ва зарарни қоплашлар тарафларнинг мажбуриятини асл холда бажаришдан озод этмайди.

**6.4** Форс-мажор холатларида томонлар шартнома шартларини бузилганлиги учун жавобгарликдан озод этилади. Форс-мажор холати Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида давлат идоралари томонидан белгиланади.

## 7.Форс-мажор холатлари.

**7.1** Мажбуриятларини бажариш вақтида (зилзила, сув тошқини, табиий офатлар хукумат қарорлари ва х.к) томонидан ўзига боғлиқ бўлмаган холда форс-мажор холатлари юзага келган тақдирда томонлар ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади.

## 8.Низоларнинг хал этиш тартиби.

**8.1** Ушбу шартнома талабларини томонлар тарафидан бажармаслик ёки қисман бажармаслик юзасидан келиб чиқадиган низолар томонларнинг ўзаро келишуви орқали, ёзма равишта хал қилинади.

**8.2** Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, «хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун хужжатларига асосан ўзаро келишув йўли билан хал қилинади акс холда Навоий вилояти иқтисодиёт судига мурожаат этилади.

**8.3** Низоли ишлар бўйича барча харажатлар жавобгардан ундирилади.

## 9.Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

**9.1** Ушбу шартномага киритилган хар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала тараф томонидан имзоланиб рўйхатга олинган холлардагина юридик кучга эга бўлади ва асосий шартномани ажралмас қисми хисобланади.

**9.2** Шартномани муддатдан олдин бекор қилиш томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарни қоплаш йули билан амалга оширилади.

**9.3** Шартномани тўхтатишни хохловчи томон бу хақда ёзма равишда иккинчи томонга шартнома муддати тугашидан камида 1 (бир) ой олдин хабар бериши шарт.

## 10.Бошқа шартлар

**10.1** Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала томон учун бир хил юридик кучга эга.

**10.2** Томонлардан бирининг реквизетларига ўзгартириш киритилган бўлса ёки шартномани бажариш даврида томонларнинг юридик манзили ўзгариши ёки шартномани бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган холатлар юзага келганда, бу холда 3 (уч) иш куни давомида иккинчи тарафга ёзма равишта хабардор қилиши шарт.

**10.3** Шартнома хар иккала тарафнинг шартнома тузишга ваколати мавжуд бўлган мансабдор шахслари имзоси ва мухири билан тасдиқланиб, худудий ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кунидан қониний кучга киради хамда 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амалда бўлади.

## 11.Томонларнинг юридик манзили ва тўлов реквизетлари

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| Ташкилот номи: | Ташкилот номи: УР МГ НВБ Бошкармаси |
| Манзил: | Манзил:Навоий вилояти, Кармана тумани |
| Х/р: | Х/р:23404000600767241323 |
| Банк: | Банк: Марказий банк Навоий вилоят хисоб-китоб касса маркази |
| МФО: ИНН: | МФО 00020 ИНН: 207252182 |
| ОКЭД: | ОКЭД: 97920 |
| Рахбар: | Рахбар: Б.Тоиров |

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг «хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни хамда Ўзбекистон республикасининг Фуқаролик кодекси талабларига мувофиқ тузилган.

Тузувчи Х.Хожиев